

## «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасида кўзи ожизлар ўртасида «Асмоул-ҳусно» танлови ўтказилди



18:50 / 25.03.2021 1569

Имом Байҳақийнинг «Зухдул кабир» китобида Фузайл ибн Иёз роҳимаҳуллоҳ шундай дейдилар:

Тафаккур қилинглар ва надомат чекишдан олдин билиб-ўрганинглар. Дунёга мағрур бўлманглар. Соғлом киши бир куни касал бўлади, янги нарса бир куни эскиради, неъмат бир куни тугайди, фаноликка юз тутуди, ёшлик ҳам кексалик сари равона бўлади.

Шундай экан, Яратган Роббингни ёдга олишинг, Унинг санъати асари бўлмиш коинот ва ундаги барча мавжудот-маҳлуқотларнинг яратилиши ҳақида тафаккур қилишинг, беихтиёр лол қолиб, У зотга ҳамд айтишинг, ўзингни ҳам, борингни ҳам асрайдиган мустаҳкам кўрғондир.

Бугун 25 март куни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасининг анжуманлар залида имконияти чекланганлар, яъни кўзи ожизлар ўртасида «Асмоул-ҳусно» танлови ўтказилди. Танлов эркак ва аёл-қизлар ўртасида бўлиб ўтди. Иштирокчилар Аллоҳ таолонинг гўзал исмларини ёд олган ҳолда ўз қобилиятларини намоиш этдилар. Сизу

бизга ибрат ва намуна ўлароқ ўтган танловни Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва «Вақф» хайрия жамоат фонди юқори савияда ташкиллаштириб берди. Очиғи, соғлом инсон ушбу танловни кузатар экан, барча иштирокчиларнинг маҳоратига тан бермай иложи йўқ. Айниқса, тажвид қоидаларига риоя қилган ҳолда ва равон қатнашган иштирокчиларнинг чиқиши барчанинг қалбидан чуқур жой эгаллади десак муболаға бўлмайди. Эй инсон, қалб кўзингни оч, ҳозир сенда барча имкониятлар муҳайё, Аллоҳга тавба қилишга, Унга шукр ва итоат этишга шошил деган ҳис туйғулар ўтган бўлса нежаб.



Тўғриси, танловда қатнашган иштирокчиларнинг имконияти чекланган дейишга тил ожизлик қилди. Чунки у ерда ожизлар биз эдик.



Тадбирга «Вақф» хайрия жамоат фонди раҳбари Яҳё домла Абдурахмонов, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом ноиби Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид, Хайруллоҳ хожи Ақромов ва Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси ходимаси Мунира Абубакирова, Тошкент шаҳар ҳокимияти вакиласи Дилбар Аҳмедова, Тошкент шаҳар бош отинойиси Зулайҳо Соатовалар ташриф буюришди.



Тадбирда иштирокчилар томонидан салавотлар, нашидалар айтилди.

Иштирокчиларнинг чиқишларини жамоатчилик вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Эркаклар ўртасида бўлиб ўтган мусобақада 3 ўрин соҳиби **Камолиддин Салоҳиддинов**га насиб этди.

2 ўрин совриндори **Муҳаммад Тўхтасинов** бўлди.

Биринчи ўринни эса икки киши эгаллади. Улар **Искандар Исмоилов** ва **Давронбек Зиёвиддинов**лар бўлишди.

Аёл-қизлар ўртасида эса 3 ўрин соҳибаси **Ҳалима Жумаева** бўлди.

2 ўринни **Муштарий Жамилова** эгаллади.

Олий, биринчи ўрин ғолибаси **Дилафруз Нодирова**га насиб этди.



????????? ?? ??????????????, ??? ?????? ?????? ?????? ?????????? ??????????  
???????????, Qur'on.uz c???? ?? ?????? ?????????????? ?????????? ?????? ??????  
????????????????? «????? ?????????? ?????? ?????????? ??????» ?????????? ?????????? ??  
?????? ?????????? ?????? ?? ?????????? ?????????? ??????????????



????? ?????? «????» ?????? ?????? ?????? ?????? ??? ?????? ??????????????  
?????? ?????? ??????.

**Хуршид Маъруф тайёрлади**